



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 12 март, № 49 (4964)

Жума

БОЛАЛАР СПОРТИ: АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

Авал хабар қилинганидек, Президент Ислам Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорт объектларининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги, 2010 йилда болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Қуйида Ҳомийлик кенгаши йиғилишининг баъни эълон қилинмоқда.

1. Ҳомийлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Ориповнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорт объектларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглаш ва танқидий муҳокама қилиб, тайёрланган материалларни қайта ишлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Комиссия (А. Орипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда жойларга чиқиб, болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини яна бир бор танқидий таҳлил қилсин. Бунда болалар спорт объектларининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги мезонларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратсин:

спорт билан оммавий шугулланиш — болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шугулланиш қамрови даражасини ошириш. Бунда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар) ўқувчиларининг умумий сонини асос қилиб олинсин;

ўрнатилган нормативлардан келиб чиқиб, болалар спорт объектларининг спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозланиш даражаси;

болалар спорт объектларининг тасдиқланган нормативларга мувофиқ, юқори маънавий, профессионал даражада тайёрланган мураббийлар ва таълим муассасаларида жисмоний тарбия ўқитувчилари, жумладан, хотин-қиз мураббийлар билан тўлдирилгани;

спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — бир кун ва ҳафта давомида турли спорт турлари билан мунтазам шугулланиш соатлари, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар;

спорт билан шугулланиш самарадорлиги — республика ва халқаро мусобақаларда 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлардан совриндорлар сони. Комиссия ўтказилган таҳлил натижалари бўйича, уларни танқидий баҳолаш билан бирга, болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, мазкур иншоотларни тасдиқланган нормативларга мувофиқ замонавий спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, юқори маънавий мураббий кадрлар билан таъминлашга доир аниқ тақлифлар киритсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев): бир ой муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан қурилган, алоҳида жойлашган 178 намунавий болалар спорт объектларининг баланс эгаларини қайта кўриб чиқиш бўйича тақлиф киритсин ва бундан кейин уларни талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни назарда тутсин;

алоҳида жойлашган ҳар бир болалар спорт объектини талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтирсин. Алоҳида жойлашган спорт иншоотларидан самарали фойдаланмаслик республика ва вилоятлар спорт федерациялари фаолияти қониқарсиз эканини белгилловчи кўрсаткич ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа манфаатдор идора ҳамда тузилмалар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хотин-қиз мураббийларнинг базавий ойлик маошига 15 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва

тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (С. Бекенов), Олий ўрта махсус таълим вазирлиги (Б. Ходиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А. Жабборов), Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов) 2010/2011 ўқув йилида Олий ўқув юртлига қабул қилиш режасини шакллантиришда хотин-қизлардан юқори малакали мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлашни кенгайтиришни назарда тутсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Икромов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда вилоятлар, шаҳар ва туманлар кесимида болаларнинг спорт билан шугулланиш уларнинг жисмоний ҳолатига, касаллигининг камайишига таъсир этиш кўрсаткичлари бўйича мониторинг тизimini ишлаб чиқсин ва жорий этсин, шу асосда спортнинг муайян турлари билан шугулланишни кенгайтириш ва спорт машғулотларининг оғирлик даражаси бўйича асосланган тавсиялар тайёрласин.

6. Иқтисодиёт вазирлиги (С. Бекенов), Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Икромов), «Узстандарт» агентлиги (А. Абдувалиев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

республикада болалар спорт объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис тўплағига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун уларни ишлаб чиқаришни 2010 йилнинг 1 сентябргаича йўлга қўйиш; мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарларини чакана савдо тармоқлари орқали аҳолига сотишни ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари, жумладан, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материаллар ва бўғловчи қисмлар сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатъий назоратни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилсин.

7. Миллий телерадиокорпорация (А. Хаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б. Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Хазратқулов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда болалар спортини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамиятини, Ўзбекистон ёшларининг спортдаги ютуқларини, болаларнинг мусиқа ва санъат билан шугулланишини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳўжаевнинг 2010 йилда болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Очиловнинг 2010 йилга мўлжалланган болалар спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилган болалар спорт объектлари қурилишини молиялаш жорий йилнинг 20 мартга қадар бошланиши тўғрисидаги ахбороти қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).

Сурхондарё вилояти:

ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Юртимизга кўклам ташрифи кўнгилларга кўтаринкилик бахш этиб, билақда куч, юракда иштиёқ уйғотмоқда. Шу боис айни дамда юртдошларимиз яратувчанлик, бунёдкорлик ишларига зўр беришган. Хонадонини, маҳалласини обод, саришта этишдан бошланган эзгу юмушлар бутун юрт бўйлаб кенг қулоқ ёймоқда. Негаки, останада — Наврўз. Зеро, халқимиз байрамларни саришта уйда, обод гўшаларда қаршилашга одатланган.

Бунёдкорлик

Шу сабабдан бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига борманг, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларининг устидан чиқасиз. Юртимизнинг жанубий вилояти — Сурхондарёда ҳам бу йилги кўклам ҳар қачонгидан ҳам гўзал ва тароватли келди. Воҳа аҳли баҳорнинг илк кунлариданоқ теварак-атрофни обод, саришта этишга киришдилар. Хайрли ташаббуслар ҳаётларга айланаётди.

— Шу кунга қадар вилоятнинг 750 гектар майдони ободонлаштирилди. — дейди «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Эркин Кўчкинов. — Жумладан, 1,7 минг километр ариқ ва лотоклар тозаланди, 300 га яқин гузарлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар тартибга келтирилди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: бош муҳандис Иброҳим Каримов (ўнгдан), иш юритувчи Шопўлат Тошқулов ҳамда қурувчи Хусниддин Эгамбердиев.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРГА БЕКЎС ҒАМХЎРЛИК

Бундан икки йил муқаддам муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов халқимизни Наврўз байрами билан кутлар эканлар, ёшларга қарата шундай деган эдилар: «Ҳеч қачон бўш келманлар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники».

Бугун иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида бўлаётган улкан ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқ ва марралар ана шу сўзларнинг ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол кўрсатиб турибди. Узқққ бормайлик, сўнгги икки йил ичида жаҳон майдонида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳада, ҳам маънавий-маърифий жабҳада эришган ютуқларимиз жаҳон аҳли томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Ана шу ўзгаришлар жараёнида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик масаласи энг муҳим устувор вазифа бўлиб қолаётгани диққатга сазовордир.

Юртимизда 2008 йилнинг «Ёшлар йили», жорий йилнинг «Ёшлар йили», жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши бу вазифа изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётганидан далolat беради.

Очиги, ўшанда Наврўз тантаналари ўтказиладиган


Дил сўзи

Алишер Навоий номидаги Миллий боғимизга туташ майдонда Юртбошимизнинг даъваткор сўзларини барча ёшлар катта қувонч ва оқибат билан кутиб олган эди. Шундан сўнг олис кишлоқлардан, шаҳару туманларимиздан Ёзувчилар уюшмасига, даврий матбуот нашрларига ёш қаламкашларнинг шеърий гани диққатга сазовордир. Юртимизда 2008 йилнинг «Ёшлар йили», жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши бу вазифа изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётганидан далolat беради.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Тошкент молия институти ўқитувчи ва олимлари иштирокида янги депутатлар корпуси учун «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда ҳамда уни бошқаришда қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

Давра суҳбатида Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида депутатлар корпусига иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштириш юзасидан устувор вазифалар белгилаб берилганини эътироф этилди.

Дарҳақиқат, маърузада алоҳида таъкидланганидек, янгитдан сайланган парламент янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда ишлашига тўғри келади. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган бир шароитда парламент ўз фаолиятини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариши ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис давра суҳбатида депутатларга Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш,

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУЛИК ВА ОЗОДАЛИК

халқимизга хос миллий қадриятдир

Аллоҳ назар солган юртда яшаймиз, дейишда кексаларимиз. Ҳақ гап. Қору қировни кўриб ҳайратланидиган ёхунд ойналаб-ийлаб офтобни соғинадиган элу элатлар дунёда қанча? Бизнинг юртимизда эса тўрт фасл ўз вақти-иззати билан меҳмон бўлади. Аслида, шунинг ўзи ҳам толеимизга битилган энг катта бахт, инъом эмасми?!

Зеро, диёримизда ҳар бир фаслнинг ўз гашти, таровати бор. Бироқ қай бир фаслни баҳор сингари интиқ кутганмиз, баҳордек хушайфият билан қарши олганмиз?!

Мана, яна кўкламга пешвоз чиқди. Олдимизда эса эзгулик ва нафосат айёми — Наврўзи олам. Ана шундай дамларда бир талай юмушларни янги куч, янги иштиёқ билан адо этишга киришдик. Зеро, янгилаш, уйғониш фаслига, қолаверса, аждодларимиздан мерос қадимий аъёнларимизга мувофиқ, ушбу айём олдидан юрти-

миз бўйлаб кенг қўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик, кўкалам-

13-14 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади.

зорлаштириш ишлари бажарилади. Айниқса, байрам олдидан ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарлари ҳар бир юртдошимизни ташаббускорликка, яратувчанликка, эзгуликка чорлаши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармоишига биноан, жорий йилнинг

март — апрель ойларида мамлакатимизнинг қишлоқ, шаҳарларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари ҳамда 13-14 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади. Ушбу тадбирлар орқали Наврўз умумхалқ байрамга пешвоз чиқиш, уни ҳар томонлама юксак даражада,

ушшоқлик ва кўтаринки рўҳда ўтказиш, жамиятимизда меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш, халқимизга хос бўлган эзгу фазилатларини янада юксалтириш ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш каби қатор хайрли мақсадлар кўзда тутилган. Айни пайтда ушбу умумхалқ тад-

бири маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, юртимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Ҳашар кунларида барча тураржой маззеларида гул, мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш, Наврўз тантана ва сайиллари бўлиб ўтадиган томошагоҳлар, хиёбонлар, гузарлар, кўча ва уй-хонадонлар атрофини тартибга келтириш, ариқ ва лотоклар, зиёратгоҳ ва қабристонларни поклаш каби юмушлар амалга оширилади. Аънамага кўра, бундай тадбирларга маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, кайвони-кексаларимиз бош бўлишади.

(Давоми 2-бетда).

БОЛАЛАР СПОРТИ: АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

10. Вазирлар Маҳкамаси учун кун муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларни умумтаълим мактабларида барпо этиладиган спорт заллари қурилишига ҳамда алоҳида жойлашган янги болалар спорт объектлари сонини оптималлаштиришга устувор тарзда йўналтириш мақсадида 2010 йилга мўлжалланган болалар спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган болалар спорт объектлари рўйхатини вилоятлар кесимида яна бир бор танқидий кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р. Азимов): Ўзбекистон Республикаси

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатларининг газначилик ижроси механизмининг 2010 йилнинг II чорагидан жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

2010 йилнинг ҳар бир чораги якуни бўйича Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий филиалларининг болалар спортини иншоотлар объектлари қурилишига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиши ва харажатлар сметасига риоя қилишини тегишли ахборот олиш ва уларнинг натижалари бўйича жамғарманинг Ҳўмилийк кенгашига ахборот тақдим этсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А. Жабборов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А. Очиллов), Миллий телерадиокомпания (А. Хаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б. Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазраткулов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2010 йилга мўлжалланган дастурида чуқур маъно-мазмун мужассамлигига, яъни болалар спорт объектларини қуриш билан бирга болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши ва уларни ре-

конструкция қилишга ажратилган маблағларни сезиларли даражада кўпайтириш кўзда тутилганига, чуқур барқамол авлодни тарбиялашда ушбу йўналишлар бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б. Хўжаев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А. Жабборов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастурга киритилган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий лойиҳалар асосида сифатли қурилиши ва ўз вақтида ишга туширилиши, уларнинг зарур анжомлар, инвентарлар ва мебел-

лар билан жиҳозланиши, профессионал кадрлар билан таъминланиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев):

Бир ҳафта муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари параметрлари ҳамда болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастур тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда киритсин;

ҳар чоракда ўз йўналишларида болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича тасдиқланган аниқ манзилли дастурлар ижросини кўриб чиқсин, уларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

кабул қилиш, унинг ижросини назорат қилиш, шунингдек, Давлат бюджетни тарқибга кирувчи бюджетларро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги, "Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида"ги ва бошқа қонунларни таъмирлаш бўйича кенг тушунтиришлар берилди.

Айниқса, давлат бюджет харажатлари, солиқ ставкалари ва солиқ тортиш базасини оптималлаштириш нуктаи назаридан Давлат бюджетини шакллантиришда ҳамда унинг ижроси, хусусан, республика ва маҳаллий бюджетлар кесимида самарали бажарилиши юзасидан парламент назоратини ўрнатилиш бўйича қўйилган ўта долзарб масаласи эканлиги иш-тироқчилар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, давра суҳбатда вазирликлар, идоралар масъул ходимлари, мутахассислар ва олимлар билан биргаликда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, Давлат бюджетни сифатини амалга оширишда бюджет харажатларининг аҳамияти ва роли, унинг газна ижроси механизми, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда ва очиқликни таъминлашда бюджет классификациясининг аҳамияти, солиқ сифатининг асосий йўналишлари ва унинг давлат бюджетини тарқатишга таъсири, шунингдек, бюджет тизимлари жаравларини шакллантириш бора-борида чет эл тажрибалари ҳам таъкидланди.

Муҳожама жараёнида асосий эътибор Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш, ҳудудлар бюджетларини баланслаштириш амалиёти ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш ва дотацияга асосланган қисқартириш масалаларига, айниқса, маҳаллий бюджетлар ижроси назоратини қўлайлаштириш лозимлигига қаратилди.

Шунингдек, тадбирда мамлакатимиз миллий бюджет тизимида жон тўғрисида ягона ва ўзига хос бўлган Давлат бюджетининг ҳар чоракдаги ижроси якуналари парламент назоратида эканлиги, бюджет ижросининг ҳар қандай жараёнида маҳаллий ҳокимиятлар, бюджетдан маблағ олувчи вазирлик ва идоралар, шунингдек, бюджет даромадини яратувчилар томонидан бажарилишини назорат қилишда депутатлар ўз ваколатларида унумли фойдаланишлари лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

лабтан социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узок истиқболга эга эмаслиги алоҳида таъкидланди. Ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар Юрбошимиз томонидан белгилан берилди.

Шу хусусда Аграр ва сув ҳўжаллиги масалалари қўмитаси раиси М. Тешабоев ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, Президентимизнинг юқорида таъкидланган маърузаси депутатларнинг янада самарали фаолият юритишлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилишини қўйди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қабул қилинган қонунларнинг мукамиллиги, пишдик-пухталлиги ҳамда аёвта изчил таъкид этилиши ҳар бир соҳа ривожига хўшим аҳамият қўйди. Шу нуктаи назардан айтганда, мазкур соҳада амалга оширилган туб ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, амалдаги қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш аниқ заруратдир. Шу боис йўналишда депутатлар, соҳа мутахассислари ва олимлар қўмита иш режасига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қўнунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Чорвачилик янада ривожлантиришга йўналтирилган айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги Қўнуннинг янги тахрири ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Эътибор этилганидек, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда ер, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофиза қилиш соҳасида олиб борилаётган тадқиқот ишлари ва илмий изланишлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бераётган. Бу ишларнинг самараси ўлароқ, айтиш жоизки, амалдаги қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, ўндан ортиқ янги қонун лойиҳалари устида илмий изланишлар олиб борилаётган. Шундан бўлса-да, амалга оширилаётган ишлар самардорлигини ошириш, айниқса, 2010 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисомий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган қишлоқ индустриализацияси бундан бўён ҳам ривожлантириш, қишлоқларда намунавий йў-жой қурилишини янада жадаллаштириш бора-борида депутатлар ўз ваколатларида унумли фойдаланишлари лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Кенча Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йўналиши бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда аграр ва сув ҳўжалиги соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бора-борида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг ҳолати ва натижалари муҳожама этилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида Қўнунчилик палатаси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири — унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пўхта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга ошири-

риш учун берган. Кристина эса бунининг илтимосини бажармаган, пулни унга қайтариш ўрнига ўзи билган пинхона усул билан Туркияга олиб чиқиб кетишга уринган. Оқибати эса яхши бўлмади — кечагина бунининг ҳамини тўлдириб турган даста-даста долларлар бугун ноқобил назира содир этган жиноятнинг ашёвий далили сифатида жиноят ишига бириктирилди.

Ўзбекистон Республикаси МХХ тергов бошқармаси томонидан юритилган ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди томонидан кўриб чиқилди. Судланувчиларнинг барчаси Жиноят кодексига кўзда тутилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топилди. Судланувчиларнинг ўз қилишидан пўшаймонлиги ва бошқа қатор омилиларни ҳисобга олган ҳолда, уларга энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорда жарима солиш жазоси қўлланилди. Ашёвий далил ҳисобланувчи валюта маблағлари, қимматбаҳо буюмлар эса давлат ҳисобига ўтказилди. Умид қиламизки, республикамайдан чет элга валюта олиб чиқиб қондаларини бузиш жиноий жаобгарликка олиб келиши эндиликда бу фуқароларнинг ёдидан сира кўтарилмайди.

Зиёда АШУРОВА.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРГА БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар ташаббуси билан мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизнинг фаол иштироки натижасида юртимиз янада ободонлашди.

Эзгулик ва озодаллик халқимизга хос миллий қадриятдир

Хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича республика штабидан олинган маълумотларга кўра, 13-14 март кунлари аҳоли томонидан 2 миллион тулдан зиёд мева-манзарали ва тут дарахти ниҳоллари ҳамда 4 миллион тулдан-зиёд гул кўчатлари экилиши, 7800 та зиёратгоҳ ва қабристонни ободонлаштириш кўзда тутилган.

Дарвоқе, умумхалқ хайрия ҳашари нафақат ободончилик ва бунёдкорлик, балки саховат тадбири сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Зотан, ҳашар кунлари ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларнинг турар-жойларини таъмирлаш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш тадбирлари ҳам амалга оширилади. Махалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ва фаоллари, ҳомийлар эҳтиёжманд фуқароларимиз ҳолидан хабар оладилар, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатадилар.

Дастурда белгиланганидек, ҳашар муносабати билан юртимиздаги вазирликлар, идоралар ҳамда барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдориди маблағлар "Махалла" жамғармасининг республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими ва бўлинмалари ҳисоб рақамларига ўтказилади. Ушбу маблағлар "Барқамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, эҳтиёжманд оилалар, ногирон ва ёлғиз фуқароларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги мавжуд спорт майдончаларини жорий таъмирлаш ҳамда спорт анжомлари билан жиҳозлаш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланиши кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, хайрия ҳашари юрtdошларимизнинг эзгу ишлар йўлидаги азму шижоати, иштиёқ ва интилишларини, ҳамжиҳатлигини яна бир бор синовдан ўтказди.

Фаррух БҮТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фонднинг асосий вазифалари сифатида ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг биринчи китобларини нашр қилиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш ҳақида алоҳида қайд этилган ёш ижодкорларимизнинг давр солномаларини битишига, замонамизнинг ўзларига тенгқур ёш қаҳрамонларининг бадиий образларини яратишига яна бир амалий туртки бериши, шубҳасиз.

Наврўз арафасида биз, ижод аҳлига кўнглимиздаги пок ҳисларимизга қанот бериб, элимизга манзур бўладиган асарлар ёзишимиз учун кўтаринки руҳий бағишлайдиган бу қарорнинг аҳамияти беқийёс.

"Ижод" фонди бадиий адабиётимиз, миллий маданиятимиз ривожига, келажакимизга хизмат

қилишидан келиб чиқсақ, баралла айта оламизки, ушбу қарор шоир ва ёзувчиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларга нисбатан юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси экани билан кишини қувонтиради. Юрбошимиз "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" номи муножазатларида "Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топши, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур", дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, тарихимизда Алишер Навоий сиймосида буюк адабиёт сифатида доврқ таратган адабиётимиз ҳақиқий инсон қадр-қийматига эъзоз топган замонда янги истеъдодларнинг кашф этилиши ни-

ҳоятда зарур. Чунки барча соҳаларда бўлгани каби бадиий адабиётда ҳам биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни кўрсатадиган вақт келди.

Кўни кеча ёзувчилар уюшмаси қошида фаолият олиб бораётган ёш ижодкорлар адабий тўғарининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Тўғарак аъзолари "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарорнинг маъно-мазмунини ва аҳамияти ҳақида жуда тўқунланиб гапиришди. Уша кўни Жўрабек исми шoir укaмизнинг илк шеърый тўплами муҳожамаи эъзига ҳок байрамга айланиб кетди. Муҳожамадан сўнг хонамга кирсақ, тинимсиз телефон жиринг-ламқоқда, шошилиб тўшани кўтардим. Нуқуллик ёш ижодкор Ривож Утар салом-алиқини ҳам унутиб "Зўр бўпти-ку, оға, зўр бўпти. Энди биздан ёзиш қопти-да, оға", дейди

ҳаяжонга тушиб. Ҳа, энди фақат зўр ёзиш керак, дедим.

Ҳақиқатан ҳам, энди биздан юртдошларимиз қалбига ҳўқ соладиган, халқимизнинг маънавий бойлигига бойлик бўлиб қўшилаётган мазмун теран, бадиий пишдик асарлар яратиши, улар орқали бугунги фидойи замондошларимиз қиёфасини тасвирлаб беришда мураккаб ва шарафли вазифани адо этиш қолди, ҳолос.

Бунинг учун ўзимизнинг бутун кучимиз, ижодий салоҳиятимизни ана шу мақсадга сафарбар этишимиз, юртимизда бўлаётган ўзгаришларни қалбимиздан, юрагимиздан ўтказиб яшашимиз керак.

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари.

МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ ОШМОҚДА



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилаётган. Натижада ушбу соҳа йил сайин тараққий этиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, ички бозорни рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдирishiда муҳим аҳамият касб этаёпти. Бунга Косон туманидаги "Bonukosmetics" хусусий корхонаси фаолияти яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, 2007 йилда ташкил этилган мазкур корхонада парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бунда 1 миллиард 465 миллион сўмликдан ортиқ инвестиция жалб этилган, айниқса, қўл келди. Унинг ҳисобидан замонавий корхона биноси тикланди, илгор асбоб-ускуналар олиб келиб ўрна-

Изланиш

тилди. Энг муҳими, 20 та янги иш жойи очилди. Бугунги кунда бу ерда 16 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Бежирим идишларда қадоқланаётган парфюмерия молларининг сифати юқорилиги боис хорижники билан рақобатга кириша олаёпти. Ички бозорда корхона маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ортаётгани шундан далолат беради.

СУРАТДА: корхона мутахассислари иш жараёнида.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Сурхондарё вилояти: ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳими, бу ишлар ташаббускор, меҳнатсевар юртдошларимиз кучи билан амалга оширилмоқда. Вилоят ҳудудига 2 миллион 300 минг тулдан зиёд мева-манзарали дарахт кўчатларини экишда ҳар бир юртдошимизнинг фаол иштироки эътиборга олинган. Термизликлар ҳам Наврўз айёминини муносиб кўтиб олиш мақсадида кенг қўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик юмушларини бошлаб юборишган. Вилоят маркази кўрғига кўрк қўшиш, унинг қиёфасини тўлдан ўзгариштириш ният қилган шаҳар аҳолидан олиш кўнларига "Болажон", "Бобур", "Алпомिश" истироҳат боғларида, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган иншоотлар, майдонлар, хиёбонларда кўрасиз.

Жумладан, айни дамда шаҳарнинг Алишер Навоий номидаги майдонида барпо этилаётган уч қаватли мухташам "Бахт уйи" қошоначи ишчи-курвучилар, ҳашарчилар билан гавжум. Янги иншоотнинг тўла тўлиши билан бу ерда ёшларнинг никоҳдан ўтиши учун зарур бўладиган барча хизмат турлари йўлга қўйилади. Натижада бу ерда катта ҳаятга қадам қўяётган келин-кувларни тиббий кўриқдан ўтказиш маркази, архив, тантаналар ва маросимлар заллари, гўзаллик салонлари, тикув цехлари, гул ва китоб дўконлари ҳамда бошқа турдаги савдо ва маънавий хизмат нукталари фаолият бошлайдилар.

Айтиш жоизки, қурилиш қиймати 2 миллиард 450 миллион сўмдан иборат мазкур иншоот лойиҳаси пойтахтдаги "ТАМАХ" меъморий-иқдодий устандасида ишлаб чиқилган. Шу кунга қадар бу ерда дастлабки — 230 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиди.

"Бахт уйи" қошоначини Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Гулбахор ТАНГИРОВА.

ричи З. Очиловга қаратди. Холислар иштирокида амалга оширилган шахсий кўрик вақтида йўловчи аёлнинг ички қўлини тағидан топишган 9 минг 200 АҚШ доллари масалага оидинлик киритди.

Жиноий таваккалчилик йўлини танлаган фуқаролар орасида Тош-

қиб қўтишгаётган бир пайлада икки дўгона қўриқдан қай йўл билан бўлса ҳамки, божхоначиларнинг қўзини шамгалат қилиб, ўтиб кетиши чораларини кўришгаётган эди.

Лекин ўша кўни навбатчилик қилаётган божхона ходимлари ҳам анойилардан эмасди. Шахсий кўрик

ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛДИ

2009 йилнинг 11 май кўни "Тошкент — Истанбул" йўналишини бўйича парвоз қилаётган ҳаво кемаси самога кўтарилди. Йўл тараддули билан чарчаган йўловчилар, гўёки елқандан то агдирилгандек, енгил нафас олишди. Кимдир уйкуга кетди, бошқаси эса ҳозиргина бошланган хориж сафари ҳақида ширин хаёлларга берилди...

Тошкент шаҳрида яшовчи Элдор Усмонов ҳам ана шу йўловчилар орасида бўлиши мумкин эди. Афсуски, Э. Усмонов бу вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимининг саволларига жаовб қилдирадиди. Хорижий қўшма корхонада бош директор ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган, ёши элликка яқинлашган, демакки, оқ-қорани ажрата оладиган бу инсон, ҳақиқатан ҳам, ноқулай вазиятга тушиб қолган. Ёш бола эмаски, билмабман, деб қўлули кетса! Устига-устак, божхона назоратчиси баённомага киритишни унутиб қолдирган буюмлар ҳақида саволлар ҳам берди. Ноқо-

нуний қилмишини оқлаш у ёқда турсин, ҳатто хаспўшлашга арзиғулик баҳона тополмади. Ҳозиргина юз берган ноҳуш ҳодиса беихтиёр унинг кўз олдида ўта бошлади...

Элдор аэропортга келиб, авиачиптасини рўйхатдан ўтказган, божхона баённомасини тўлдирди. Ёнидаги 12 минг АҚШ доллари-дан фақат 2 мингини ушбу ҳужжатда кўрсатиб ўтди. Қолганини эса пинхона олиб ўтиб кетишни режалаштирган эди. Шу сабабдан ҳам божхона назоратчиси унинг ҳамма пуллари, қимматбаҳо буюмлар баённомага киритилгани, ёнида яширган буюми бор-йўқлиги ҳақидаги одатий саволларига бамайлихотир жаовб берди. Лекин авиация хавфсизлиги хизмати кўригидан ўтаётганда унинг бу хотиржамлигидан асар ҳам қолмади. Аввалига у кичкина сумкасини очиб кўрсатишдан бош тортишга уриниб кўрди. Шунга қарамай, ички нафас ҳолиси иштирокида назоратчининг қонуний талабига

бўйсунмишга мажбур бўлди ва сумкасига яширилган 10 минг АҚШ долларини чиқариб берди.

Афсуски, мамлакатимиз чегарасидан ноқонуний равишда пул маблағлари, қимматбаҳо буюмларни олиб ўтишга уриниш ҳоллари вақти вақти билан учраб турибди. Самарқанд шаҳрида яшовчи Заррина Очилова ҳам Туркияга сафар қилиш, Қора денгиз ортидан тахчил, ҳаридориги моллар келтириб, тадбиркорлик ишларини юзғисиб юбориш ниятида эди. Орузга айб ўй, дейдилар. Қачонки, бу орзуну рўёбга чиқаришга ёлғон кўрсатмаю қонунбузарлик аралашмаса. Лекин Утган йилнинг 28 сентябрь кўни Истанбул сафарига чиқшини кўзлаган Заррина буну унутган эди.

Авиация хавфсизлиги хизматининг текширув ускунасида янграган сигнал товуши навбатчилик қилаётган ходима эътибо-

вақтида бу икки йўловчи аёлнинг қўнтаклари, кийимлари остига бир қанча тилла тақинчоқлар яширилгани аниқланди. Республикамайданга ноқонуний равишда олиб келинган бу зебу зиналар жами 799,51 граммни ташкил этди. Мутахассисларнинг ҳулосасига кўра, ушбу тилла буюмларнинг бозор баҳоси 26 миллион сўмдан зиёд экан.

Тошкент шаҳрида яшовчи Кристина Магданик қилмиши эса ҳаммаганидан ўтиб тушди. Эндигина 25 баҳорни қаршилаётган бу қиз авиация хавфсизлик хизматининг металл қидирғич ускунасида янғирганда, ташвишли сигнал унграб кетди. Холислар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказилган бу қизнинг қийимлари орасидан 35 минг 900 АҚШ доллари қичди.

Судда тушунтириш беришича, бу маблағ гўёки бувиси Н. Магданик тегишли бўлиб, у квартирасини сотишдан тушган экан. Буну пулни набирасига қонуний йўл билан банк орқали Италияга юбо-

риш учун берган. Кристина эса бунининг илтимосини бажармаган, пулни унга қайтариш ўрнига ўзи билган пинхона усул билан Туркияга олиб чиқиб кетишга уринган. Оқибати эса яхши бўлмади — кечагина бунининг ҳамини тўлдириб турган даста-даста долларлар бугун ноқобил назира содир этган жиноятнинг ашёвий далили сифатида жиноят ишига бириктирилди.

Ўзбекистон Республикаси МХХ тергов бошқармаси томонидан юритилган ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди томонидан кўриб чиқилди. Судланувчиларнинг барчаси Жиноят кодексига кўзда тутилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топилди. Судланувчиларнинг ўз қилишидан пўшаймонлиги ва бошқа қатор омилиларни ҳисобга олган ҳолда, уларга энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорда жарима солиш жазоси қўлланилди. Ашёвий далил ҳисобланувчи валюта маблағлари, қимматбаҳо буюмлар эса давлат ҳисобига ўтказилди. Умид қиламизки, республикамайдан чет элга валюта олиб чиқиб қондаларини бузиш жиноий жаобгарликка олиб келиши эндиликда бу фуқароларнинг ёдидан сира кўтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси МХХ матбуот маркази.

24 соат ичида

Жорий йилда Нобель мукофотининг тинчлик йўналиши бўйича топширилган совринига даъвогарлар сони 237 кишига етган.

Даъвогарлар сони ошди

Бу ҳақда совриндорларни аниқлаш қўмитаси вакиллари билан бири маълум қилди. Шу пайтгача бир йўналишда бунчалик кўп номзод рўйхатга олинмаганди. Изоҳланганича, ўтган йили АҚШ раҳбарига мукофотнинг маърузи номига қўйилган тақдим этилиши даъвогарлар сонининг ошишига сабаб бўлган.


Дунёнинг энг бой одамлари

"Форбс" журнали ўтган йилнинг энг бой кишилари рўйхатини эълон қилди.

Унинг биринчи поғонасида мексикалик миллиардер Карлос Слим қайд этилган. Йирик телекоммуникация тармоғи эгасининг моддий жамғармаси 53,5 миллиард АҚШ долларига тенг, дея баҳоланган. Иккинчи ўриндан эса компьютер дастурлари ишлаб чиқарувчи "Майкрософт" компанияси асосчиси Билл Гейтс жой олган. Гейтс сармояси Слимникидан беш юз миллион АҚШ долларига камроқ экан. Учинчи 47 миллиард АҚШ долларига эга бўлган америкалик Уоррен Баффет яқунлаган. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, сўнгги ўн олти йил давомида ушбу рўйхатни фақат америкалик миллиардерлар бошқариб келганди.

Қадимий иншоот таъмирланади

Италиянинг Рим шаҳри маъмурияти қарорига асосан, маъмур хууддаги қадимий ноб-мозорнинг обидаси — Коллизей амфитеатрини қайта таъмирлашга киришилди.



Бу ҳақда "ANSA" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Маъмур лойиҳани амалга ошириш учун 20 миллион евро миқдорда маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, у хусусий сармоядорлар томонидан молиялаштирилади.

Табиий офат талафотлари

Хитойнинг Шэньси музофотида бахтсиз ҳодиса рўй берди, дейилади "Синьхуа" ахборот агентлиги хабарига.

Бу ерда кўчки содир бўлган. Оқибатда 17 киши ҳаётдан кўз юмган, ўнлаб одамлар кўчки остида қолиб кетган. Табiiй офат сел келиши тўғрисида юз берган. Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

Сотиш тақиқланади

Бирлашган Миллатлар Ташкилати кўк рангли йирик йиртқич туеңц балиғининг халқаро миқёсда сотилишини тақиқлаб қўймоқчи.



Ёввойи фауна ва флора халқаро савдосига бағишланган Конвенция аъзолари йиғилишида шундай тўхтамга келиниши кўтилмоқда. Чунки бу турдаги балиқлар айни пайтга келиб йўқ бўлиб кетиш арасида турибди.

Айтиш жоизки, ушбу ташаббус бир қатор давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган. Бироқ дунёда туеңц балиғини энг кўп истеъмол қилувчи Япониянинг бу борадаги фикри ҳали номаълум.

Хорик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мамлакатимизда банк-молия тизимини ривожлантириш ва тақомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия муассасалари барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш манбалари кенгайиб бораёпти. Бу жараёнда, айтиш мумкинки, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки фаол иштирок этаётди.

«Микрокредитбанк»: ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан сўнг, айниқса, ушбу молия муассасасининг кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳолини, хусусан, қишлоқ аҳолини микромолиявий хизматлар билан қамраб олиш борасидаги ишлар кўлами янада кенгайди, микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатиш шартини қўйди. Буни "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкининг Хоразм вилояти филиали фаолияти мисолида

яққол кўриш мумкин. Ўтган йили унинг томонидан 941 тадбиркорлик субъектига жами 8 млрд. 57 млн. сўмликдан ортиқ микрокредитлар берилгани бунинг исботидир. Эътиборли жиҳати шундаки, бу маблағнинг 660,7 млн. сўми бошланғич сармояни шакллантириш, 6 млрд. 346 млн. сўмдан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш учун йўналтирилди. 616 млн. сўмликдан зиёд микролизинг хизматлари кўрсатилиши натижа-сида эса 69 нафар тадбиркорга янги технологик жиҳозларни сотиб олиш учун шартини яратилди. Бундан ташқари, бултур хизмат кўрсатиш соҳасига 883,4 млн сўм, паррандачилик хўжаликларига 344,2 млн.

сўм, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғига 40 млн. сўм, касаначиликни ривожлантиришга 807,9 млн. сўмлик кредитлар ажратилгани диққатга сазовордир. Филиал жамоаси ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга микрокредитлар ва истеъмол кредитлари ажратишда ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Яқунлаган йилда 373 та ёш оилага 1 млрд. 258 млн. сўмлик кредитлар берилгани бунга далил бўла олади. Шу билан бирга, Хазорасп тумани иқтисодиёт коллежи битирувчиси

Д. Ёқубова, Богот туманидаги маийш хизмат касб-хунар коллежи битирувчиси Қ. Раҳмонова сингари кўплаб ёшларга бошланғич сармояни шакллантириш учун 1 млн. сўмликдан микрокредитлар ажратилгани вилоятда ёш тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш имконини яратди.

келди, — дейди тадбиркор Ҳамдам Солаев. — Ушбу маблағ ҳисобидан 10 нафар ёш ишга жалб этиб, Богот тумани марказида қоғоз чиқиндиларини қайта ишлаб, гигиеник қоғозлар ишлаб чиқарадиган "Богот қоғози" корхонасини ташкил қилдик. Натижада ўтган йили қарийб 33 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлаб, сотувга чиқардик.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, "Микрокредитбанк" ОАТБ томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар, кўрсатиладиган микролизинг хизматлари фоизлари йиллик 3 ва 7 фоиз этиб белгилангани кичик бизнесни жадал ривожлантиришда, янги иш ўринлари яратишда рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жорий йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажминини 1,3 баробар ошириш кўзда тутилганини ҳисобга олсак, бу ҳаракат мулкдорларнинг имкониятлари янада кенгайиб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшажигандалолат беради.

Ойбек РАҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Навоий томонларда

Навоийлик ишбилармон Тўлтин Шарипов ўз маблағи ҳисобига "Хайр ҳамкор сервис" ноғиронлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди.

Хайрли ташаббус

Айни пайтда бу ерда ойига ўртача 10 миллион сўмлик кўрпатушак, чойшаб, ёстиқ сингари 10 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Эътиборлиси, тадбиркор ташаббуси билан 12 нафар ноғирон доимий иш ўрнига эга бўлди.

Замонавий ва тежамкор

Қизилтепа туманида пишиқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Бинокор гишт сервис" корхонаси иш бошлади.

Бунинг учун тадбиркор Абдор Аслонов банкдан олган 70 миллион сўмлик кредит ҳисобига хориждан замонавий тежамкор технологиялар олиб келиб ўрнатди. Ҳозирда 14 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 450 минг донагача сифатли деворбоп материал тайёрланмоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

БАҲОРНИ МАДҲ ЭТУВЧИ ТАРОНАЛАР

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусикали драма театрида фасллар маликаси — баҳорни мадҳ этувчи энг яхши кўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда 60 дан зиёд яккагон хонандалар, миллий ҳамда этнографик фольклор жамоалари, бахшилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Тадбир якунида Жиззах шаҳрилик Ф. Фармонов, Жиззах туманидан Ф. Урдушев ва форишлик А. Қозоқов совринли ўринларни қўлга киритишди. Шунингдек, танловда "Вилоятнинг энг яхши бахшиси", "Энг яхши оқин", "Энг яхши фольклор жамоа", "Энг яхши лапар ижрочиси" номинациялари бўйича голиблар номи ҳам аниқланди.

Б. САТТОРОВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25

Alliance Insurance СЎҒУРТА ТАШКИЛОТИ. Йўлда кетаётган юкларни сугурталаш. Келажагингиз ҳақида ALLIANCE INSURANCE билан қайғуринг. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод к., 35-уй. Телефон: (8-371) 120-71-00. Факс: 120-70-01. www.a-insurance.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

марказий аппарати ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларида тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг муаммоларини муҳокама қилган ҳолда, теъзорлик билан ҳал этиш мақсадида, тадбиркорларнинг мажбур муаммолари тўғрисидаги муурожаатлари қабул қилиш бўйича «Ишонч телефонлари» белгилаиб, тадбиркорларни қабул қилиш учун ҳар ойнинг учинчи ўн кунлиги (декадаси) қоршанба куни

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

деб эълон қилинди. ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича туғилган масала ва муаммолар юзасидан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратининг қуйидаги телефонлари орқали муурожаат қилишингиз мумкин: (8-371) 239-11-71, 239-15-88.

Table with 2 columns: Location and Phone Number. Locations include Qoraqalpog'iston, Andijon, Bukhoro, Jizzax, Kashkadarya, Navoiy, Namangan, Samarqand, Surxondaryo, Sirdaryo, Toshkent, Fergana, and Xorazm.

Продаются КВАРТИРЫ ОТ ЗАСТРОЙЩИНА. ГОТОВЫЙ БИЗНЕС. 281-52-02, 709-08-77. 281-52-02, 281-42-02

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

сизларни қуйидаги давлат активларини сотиб олиш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боришга таклиф этади.

Сотувчининг номи ва почта манзили, унинг алоқа телефонлари ва телефакси рақамлари: 130100, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 63-уй, Давлат мулки қўмитаси. Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси, электрон почта: www.gki.uz. Телефонлар: (8-372) 226-25-04, 226-39-44.

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили: 1. Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳрида жойлашган, қурилиши тугалланмаган, юзаси 250 кв.м. бўлган савдо дўкони, умумий ер майдони — 788,58 кв.м.

Балансда сакловчининг номи ва манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси, Жанубий кон бошқармаси.

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари: ● объектнинг қиймати 38 845 200 (ўттиз саккиз миллион саккиз юз қирқ беш минг икки юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; ● келгусида объект фаолиятдан мақсадли фойдаланиш учун энг юқори миқдорда қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш.

2. Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳрида жойлашган, қурилиши тугалланмаган 100 ўринли ошхона 50 ўринли чойхона биноси билан, умумий ер майдони — 457,00 кв.м.

Балансда сакловчининг номи ва манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси, Жанубий кон бошқармаси.

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари: ● объектнинг қиймати 26 169 480 (йигирма олти миллион бир юз олти миш тўққиз минг тўрт юз саксон) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; ● келгусида объект фаолиятдан мақсадли фойдаланиш

учун энг юқори миқдорда қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: музокаралар (оммавий оферта) Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси (манзили: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 63-уй)да 2010 йил 15 апрель куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилишнинг сўнгги санаси ва вақти: 2010 йил 15 май (бир ой давомида ҳар иш куни соат 9.00 дан 18.00 гача) соат 17.00 да.

Тўғридан-тўғри музокараларда катнашиш истигадиги талабгор ўхд унинг вақили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, бюуртномани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил қатнашиши учун — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; ● жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; ● икки нусхада елимланган конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари: — сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати; — инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ. Инглиз тили, математика ва физика. фанларидан тайёрлов курсларига таклиф этади. МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (+998-97) 462-96-52.

Ташкилот. янги бўлмаган, яхши ҳолатдаги «ЗИЛ-157» русумли автомобиллар, «ГАЗ-71» русумли, занжирли, ҳар қандай йўлда ҳам юра оладиган машина (вездеход), шунингдек, занжирли чопик тракторларини сотиб олади. Телефон: (+998 90) 357-84-85. Факс: (+998 71) 233-59-08.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси "O'zbekiston" телерадиоканали" ДУК Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририят катта муҳаррири Гулном Тоғаевага падари бузруквори ЖУММА отанинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради. Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси Марказнинг Бухоро вилояти бўлими собиқ раҳбари Салридин САЛИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради. "Оби ҳаёт" ассоциацияси жамоаси "Хоразм оби ҳаёт" МЧЖ кузатув кенгашининг раиси Ҳабибулло РАҲИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ЭНГ ГУЛЛАГАН ЧОҒИМДА

Ота-она учун фарзанд иқболни кўриб, шукрона келтиришдан ортиқроқ бахт бўлмас керак. Мингбулоқ туманининг чекка қишлоғи — Меҳнатободда яшовчи Мухаббат опа ва Холикберди ака Жўраевларнинг ана шундай бахтга мушарраф эканликларини кўриб, кўпчиликнинг хаваси келади.

рафли вазифани ёруғ юз билан удалаган Дилафрузга омад кўлиб боқди — ўтган йил кузида хорижий юрда диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб,

Илмга танқоқ опа — сингиллар

публика Фанлар академиясига ишга кирди. Шу жараёнда илмий тадқиқот сари чоғланди. “Усимликларнинг ўсиши ва ҳосилдорлигини оширувчи бактериялар” мавзусини танаб, изланишга тушди. Талабалик чоғида немис тилига қизиққанди, пойтахтдаги немис таълимоти алмашуви фонди билан

ҳамкорликни йўлга қўйиб, мустақил равишда тил ўргана бошлади. Кўп ўтмай фонд йўлланмаси билан Германиянинг Берлин шаҳрига йўл олган киз илмий изланишни Гумболд университетиде давом эттирди. Игна билан кудуқ қазिशга менгзалган илм олиш, фанга янглик киритишдек заҳматли ва ша-

“Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори” сертификатини кўлга киритди.
— Халқимизда “Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам унга эргашади”, деган гап бор. Кичик кизимиз Дилсўз ҳам оласидан қолишмасликка аҳд қилганди, — дейди Мухаббат Жўраева. — У Ўзбекистон

Хавас

давлат жаҳон тиллари университетини тугаллаганидан сўнг 2007 йилда халқро грантлар танловида голибликка эришиб, Германияга йўлланма олди. Ўтган йили Лейпцигда бизнесни бошқариш бўйича магистратурани тамомлади. Айни пайтда Германия жағарма банкнинг Ўзбекистонда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси лавозимиде фаолият кўрсатаяпти. Буларнинг ҳаммаси юртимизда ёшлар, уларнинг порлоқ келажаги учун кенг шароитлар яратилганлиги, хусусан, фарзандларимиз учун дунё эшиклари кенг очилганлиги шарофатидир.

Дилбар АҚҚАРОВА.

Давлат дастури: РЕЖА ВА ВАЗИФАЛАР

2010 йилда

● “Баркамол авлод йили” бўйича қабул қилинган виллоят дастурига мувофиқ, кичик бизнесни ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш орқали ёшлар учун 38 миң кўшимча иш ўринлари яратилади.

● Ёш оилаларга уй-жой қуриш, хонадонларини таъмирлаш ва янги турар-жой сотиб олиш мақсадида молиявий муассасалар томонидан 4,9 миллиард сўм имтиёзли ипотека кредитлари ажратилади.

● Наманган шаҳридаги Маданият саройи негизиде, шунингдек, 4 та туманда “Ёшлар маркази” барпо этилиб, фойдаланишга топширилади.

● Виллоят марказининг Давлатобод даҳасиде “Камолот” ёшлар боғи ташкил этишга киришилди. 22 гектар майдонни эгаллаган масканде 6 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, турли аттракционлар ўрнатилади.

● “Ёшлар спорт мажмуаси” ҳудудиде “Кичкинтой” боғи, унинг негизиде “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” маркази, “Оймома боғи” ташкил этиш режалаштирилган.

● Барча манбалар ҳисобига йил давомиде ёшлар учун кotteж кўринишидаги 500 та тураржой барпо этилади.

● Наманган шаҳрида “Ёшлар спорт мажмуаси” бунёд этилади. Лойиҳа қиймати 10 миллиард сўмликдан зиёд бўлган мажмуадан футбол, волейбол, теннис майдонлари, оғлиг атлетика зали, ёшқ сузиш ҳавзаси ва бошқа иншоотлар жой олади. Ёшлар истиклолнинг 19 йиллиги байрамига фойдаланишга топширилади.

Рақамлар сўзлайди:

2009 йилда

● Виллоятда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истиқболли лойиҳаларини рўёбга чиқариш борасиде амалий ишлар тобора кенгайиб бормоқда. 2009 йил давомиде “Келажақ овози”, “Янги авлод”, “Ёш тадбиркор — юртва мададор” танловларининг республика босқичиде наманганлик ёшлардан 9 нафари голибликни кўлга киритди.

● Ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ишларида “Камолот” ЕИХ виллоят Кенгаши фаол иштирок этмоқда. Жумладан, ўтган йили 3877 нафар йигит-қиз меҳнат дафтарчаси билан таъминланиб, уларнинг асосий қисми ҳаракат тизимлари томонидан ташкил этилган иш ўринларига жойлаштирилди.

● Ёшлар ўртасиде тадбиркорлик ҳаракатини кучайтириш, ҳудудларда “Камолот” корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш борасидеги тадбирлар натижасиде 2009 йили 144 нафар йигит-қизга ўз бизнесларини ташкил этиш учун амалий ёрдам кўрсатилди.

● Айни пайтда виллоятда 3555 та спорт иншоотлари фаолият кўрсатиб, улардаги 819 та секция ва тўғарақда 609970 нафар ёшлар жисмоний машқлар билан шуғулланмоқда.

Шаҳарчага марҳамат!

Наманган шаҳрининг С. Шерозий кўчасиде ўтган йили иккита кўп қаватли тураржой биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Мазкур уйларидаги олтинчи тўртта хонадоннинг барчаси ёш оилалар иштироғига берилди. Улардан бирисиде бизнинг оиламиз истиқомат қилаяпти.

Бунга қадар ишга Чуст шаҳридан қатнаб, кунига саксон чақирим йўл босишимга тўғри келар эди. Имтиёзли кредит асосиде виллоят марказиде тикланган ёшлар уйдан икки хонали хонадонни сотиб олганимдан сўнг қийинчиликлар ортда қолди. Турмуш ўртоғим, уч фарзандим билан ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган шинам хонадонда роҳат қилиб яшаймиз. Йўлим яқинлашгани сабаб ишим янада унумли бўлаяпти. Болалар тарбияси билан шуғулланиш, кино ва театрга бориб, маданий ҳордиқ чиқариш имконияти пайдо бўлди. Қўшиларимизнинг кўпчилиги ҳам биз сингари туманлардан кўчиб келган оилалар. Эндиликда яшаётган даҳамиз “Ёшлар шаҳарчаси” дея ном олди. Ёнгинамизда яна битта 16 хонадонли уй битаяпти. Йил охиригаче, унинг қаторига яна учта тураржой биноси қўшилади, 2012 йилга бориб эса, бундай кўп қаватли уйлари 14 тага етади.

Шаҳарчамиз аҳлига қулайлик яратиш мақсадида маиший хизмат ва сервис шохчалари барпо этиш ишлари ҳам жадал олиб боришмоқда. Яқинда фойдаланишга топширилган супермаркет хизматидан ҳамма хурсанд. Уйимизга келаятган меҳмонлар олиб борилаётган бунёдкорлик юмушлари, яшаш шароитимиз, хонадонларимизнинг кўркамчилигига ҳавас билан боқишади. Биз уларга жавобан “Бу бизнинг, ёшларнинг шаҳарчаси”, деймиз фахр билан.

Зарифжон ЗОКИРОВ,
Наманган виллоят давл
солиқ бошқармаси
шўба раҳбари.

Истиклол туфайли мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш йўлида кенг имкониятлар яратилди. Зеро, бугун ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, пухта билимни, кенг дунёқарашга эга, етук маънавиятли элб камол топтиришдек эзгу мақсад бевосита давлатимиз раҳбари бошчилигида юртимиз миқёсиде амалга оширилаётган хайрли чора-тадбирлар мисолида ўз ифодасини топаётир.

УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!

Ўзим Поп туманининг Чоркесар қишлоғиде туғилиб, вояга етдим. Оддий қишлоқнинг, меҳнатқаш оиланинг фарзандиман. Отам — Ерқинбой Жўраев борбонлик касбиде эл-юрт маъмуричилиги йўлида меҳнат қилмоқда ва биз, икки нафар фарзандимнинг келажаги учун бор эътиборини, ғамхўрлигини бахшида этмоқда. Онам — уй бекаси Мухаббатхон Мирзоалимовога ҳар қанча тўқинланиб, меҳр билан таъриф берсам, арзийди. Бунинг боиси бор, албатта. Уларнинг ҳар иккиси менинг ўқувчилик давримдаёқ оғру-умидларимнинг ушалоғи кенг йўл очиб беришган, уй юмушларидан, мактабдан ташқари бўш вақтларимни фойдали машғуллар билан ўтказишимни назорат қилишган.

Ўрта мактабни тамомлаб, 2007 йилда пойтахтдаги 1-Тошкент педагогика коллежиде ўқишга кирдим. Болалиқдаги яна бир орзумим — ёш авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли вазифанинг урдасидан чиқиб, муаллима деган шарофатли номга эришиш эканлигидан шу касбни танладим. Зеро, юртимизда ўқитувчилик гоятада улғу касб саналади. Касбимга муҳаббат ҳисси ҳаммаша дадил интилишга,

ижодий изланишга ундайди... мени. Шунингдек, ўтган ўқув йилида Тошкент шаҳрида ташкиллаштирилган “Йил етакчиси — 2009”, “Камолот маликаси”, “Ижодкор талаба — 2008” кўрик-танловларида, “Эверест” теле-танлови ва “Ўзбекистон — Ватаним

маним” иншолар танловиде голиб бўлдим. Ўз устимда янада кўп ишлаш, айнақса, равон нутққа эга бўлиш мақсадида “Камолот билимдон”, “Қадрият, урф-одат, анъана” фестивалларида, “Дўпни тикдим — ипақлари тиллодан” танловининг туман босқичларида суҳандон бўлдим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали эфирга узатиладиган “Оромгоҳдаги ором” кўрсатувиға муаллиф ва бошловчилик қилдим. Ўқув масканимиздаги “Олтин қалам” тўғараги ва “Янги етакчи” клубининг фаол аъзосиман. Спортта ҳам жуда қизиқман. Шу

Ифтихор

Орамизда истеъодли, иқтидорлилар жуда кўп. Уларни излаб топиш ва тарбиялашда ёшлар учун яратилган шарт-шароит катта аҳамиятга эга. Масалан, спортнинг у ёки бу турига қизиққан, оғина уқув бор болаканинг маҳорат орттириши учун жисмоний машқлар билан шуғулланадиган махсус жой, малакали мураббий бўлиши зарур. Агар шу имкониятлар бўлмаганда, айтилиқ, менинг халқро беллашувда қатнашиб, чемпионлик мақомига эришишим ҳақиқда гап бўлиши мумкинми?

Ана шу саволга жавоб излаш жараёнида хаёлимда янги режа туғилди. Дейлик, ўзим келин бўлиб тушган Навкентда спортта ошно ёшлар маҳоратига сайқал берадиган маскан курсак қандай бўларкин? Фикримни турмуш ўртоғимга айтганим, у киши чин дилдан қўллаб-қувватлади. Шу тарихда қишлоқда ўз кўчимиз билан “Спорт-соғломлаштириш ўқув маркази” барпо этишга киришдик.

А. АСАДОВ,
офицер.

Болалигимдан кашфиёт ва янгиликлар яратишга қизиқман. Ўқувчилик чоғимда “Моҳир кўлар” тўғарақда ясаган ракета моделларим билан тенгдошларимни ҳайратта солардим.

ЛОЙИҲАМГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Олий ўқув юртиға киргач, изланишларимни янада кенгайтирдим. Ҳарақатларим беиз кетмади. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жағармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Келажақ овози — 2009” республика танловининг виллоят босқичиде қатнашиб, биринчи ўринни эгалладим. Боиси, танловга тақлиф этган “Кўпикбетон” номли лойиҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Маълумки, қурилиш санъатиде фойдаланиш учун қулай, арзон ва пишиқ материалларга эҳтиёж ҳаммаша катта. Мен эса ўз лойиҳамда уни маҳаллий шароитда тайёрлаш ва фойдаланиш бўйича фикрларимни баён этганиман. Уни бинокорлик санъати корхоналари томонидан қўллаб-қувватланлиги, турган гапки, изланишларимга қанот бағишлади.

Зеро, юртимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган бекиёс ғамхўрлик бор истеъодимизни намоян этишда муҳим омили бўлмоқда.

Тўғри, кўпикбетон қўллаб мамлакатларда анчадан буюн қўлланиб келинади. Мен эса ўз лойиҳамда уни маҳаллий шароитда тайёрлаш ва фойдаланиш бўйича фикрларимни баён этганиман. Уни бинокорлик санъати корхоналари томонидан қўллаб-қувватланлиги, турган гапки, изланишларимга қанот бағишлади.

Зеро, юртимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган бекиёс ғамхўрлик бор истеъодимизни намоян этишда муҳим омили бўлмоқда.

Севора ҚОДИРОВА,
стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони,
«Шухрат» медали соҳибаси.

Кашфиёт

Болалигимдан кашфиёт ва янгиликлар яратишга қизиқман. Ўқувчилик чоғимда “Моҳир кўлар” тўғарақда ясаган ракета моделларим билан тенгдошларимни ҳайратта солардим.

ЛОЙИҲАМГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Олий ўқув юртиға киргач, изланишларимни янада кенгайтирдим. Ҳарақатларим беиз кетмади. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жағармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Келажақ овози — 2009” республика танловининг виллоят босқичиде қатнашиб, биринчи ўринни эгалладим. Боиси, танловга тақлиф этган “Кўпикбетон” номли лойиҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Маълумки, қурилиш санъатиде фойдаланиш учун қулай, арзон ва пишиқ материалларга эҳтиёж ҳаммаша катта. Мен эса ўз лойиҳамда уни маҳаллий шароитда тайёрлаш ва фойдаланиш бўйича фикрларимни баён этганиман. Уни бинокорлик санъати корхоналари томонидан қўллаб-қувватланлиги, турган гапки, изланишларимга қанот бағишлади.

Зеро, юртимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган бекиёс ғамхўрлик бор истеъодимизни намоян этишда муҳим омили бўлмоқда.

Тўғри, кўпикбетон қўллаб мамлакатларда анчадан буюн қўлланиб келинади. Мен эса ўз лойиҳамда уни маҳаллий шароитда тайёрлаш ва фойдаланиш бўйича фикрларимни баён этганиман. Уни бинокорлик санъати корхоналари томонидан қўллаб-қувватланлиги, турган гапки, изланишларимга қанот бағишлади.

Зеро, юртимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган бекиёс ғамхўрлик бор истеъодимизни намоян этишда муҳим омили бўлмоқда.

Исломбек ҚУТБИДИНОВ,
Наманган муҳандислик-иқтисодий институти талабаси.

Она юрт олдидаги шарафли бурч

Дунёда ҳеч нарса тинчлик ва хотиржамликка тенг келолмайди. Бу неъмат одамдоқ бошидаги тож. Уни мустақамлаб, асраб-авайлайдиганлар эса чинакам ватанпарварлардир.

Она юрт ҳимояси ҳар бир йигитнинг шарафли бурчи, албатта. Ҳарбийлик касбини танаб ана шу юмушнинг урдасидан чиқаятганимдан фахрланаман.

Биласизми, қисимиздаги йигитлар худди бир оила фарзандларига ўхшаб кетишади. Машғулот майдони, ўқув хоналари, ётоқхонада соғлом маънавий муҳит яратишга барча бирдай интилади. “Саф кўшиқлари”, “Интеллектуал ринг”, “Балли, йигитлар” сингари танлов ва тадбирлар ҳар бир аскарни изланиш ва интилишга чорлайди.

Яқинда “Аскар оналарини шарафлаймиз” деб номланган кеча ўтказдик. Унга Жиззах, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро виллоятларидан таширф буюрган аскар оналари йигитларимиз тайёрлаган бадий дастурни томоша қилиб, роса хузурланишди. Сафимиз-

Армия чинакам ҳаёт мактаби деганлари ҳақ гап. Аскарларимиз бу ерда ҳарбий тайёргарлик билан бирга эртанги кун учун зарур бўлган тажриба, билимни ҳам эгаллаяптилар. Улардан кўпчилиги бўш вақтларини икки миңг донга китоб жағармасига эга бўлган кутубхонамизда ўтказишяётганини кўриб, гапнинг рости, завқим келади. Чунки ёшликнинг долзарб дамларини қадрлаётган бу йигитлар хизматдан сўнг алоҳида имтиёз билан олий ўқув юртурларига ўқишга киришиб, ўзлари севган касбини эгаллаб, юрт равнақиға муносиб ҳисса қўиш имкониятиға эгадирлар.

Фахр

А. АСАДОВ,
офицер.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғиде 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 2299. Буюртма Г — 203. 64025 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ёнлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказиде терилди
ҳамда операторлар Ж. Тоғева ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Т-Тижорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — А. Болнев.
Набатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақуни — 00.20 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5